

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 2-noyabr, shanba № 84 (15722)

2013 yil – Obod turmush yili

## БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Оилани асраш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари, диний ташкилотлар вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

Обод турмуш йилида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштиришга оид ишлар кўлами ортди. Айти пайтда ёш оилаларга имтиёзли тарзда уй-жой кредитлари ажратиш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, оиланинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга оид чора-тадбирлар янада кенгайди.


Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрлик баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айти пайтда турли арзимас сабаблар билан ёшлар ўртасида никоҳнинг бекор қилиниши ҳолатлари ҳам учраётгани афсусланарлидир. Бу, аввало, ёшлардан, уларнинг ота-оналари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаолларидан оиланинг жамиятдаги нуфузини оширишдаги бурч ва масъулиятини теран англашни талаб этмоқда.

— Маҳалламизда 8 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги «Шофайз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Мўминова. — Оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар билан оиланинг муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари, соғлом авлодни шакллантиришда тиббий ўрикларнинг афзаллиги ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказилмоқда. Ота-оналар билан фарзандларининг келажаги учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этиши, тўйларни камхарж, ортиқча дабдабасиз, ихчам ўтказиш юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Тадбирда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада кучайтириш, коллеж ва лицейларда ёшлар билан бу борада суҳбатлар ташкил этиши, бунда тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

## МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда “Infolib Uzbekistan — 2013” миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ниҳоясига етди.

Ҳафталик Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда иккинчи марта ташкил қилинган “Infolib Uzbekistan — 2013” ҳафталиги доирасида давра суҳбатлари, кутубхона бўйлаб экскурсия, маъри-

фий тадбирлар, кўргазмалар, кутубхона видеотекасидаги фильмлар намойиши, шунингдек, таниқли ёзувчи ва шоирлар, мусаввирлар, режиссёрлар, ёшлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида учрашувлар бўлиб ўтди. Маърифат даргоҳи фойдаланувчилари бўлган ўқувчи-ёшлар учун эса турли маҳорат сабоқлари ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси лойиҳаларининг тақдимот маросимлари ҳам ташкил этилди.

Ҳафталик дастуридан янги адабиётлар ярмарка-

си, «Китоб тарихи», амалий ва тасвирий санъат кўргазмалари жой олди.

Ҳафталик сўнгида ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун ўтказилган семинарда пойтахтимиз ва мамлакатимиз ҳудудларидан соҳа ходимлари иштирок этди.

Шунингдек, семинарда Миллий кутубхонанинг янги техник лойиҳалари ҳам тақдим этилди. Хусусан, «BePro» дастурчилар маркази вакиллари кутубхоналар учун ихтисослаштирилган дастурий таъминот — «KaDaTa 2.0» дастурий маҳсулотларини намойиш этди. Тадбир қатнашчилари Миллий кутубхонанинг илмий ишлар маълумотлар базаси,

қўлёзма ва нодир нашрлар маълумотлар базаси, имиж-каталог ташкил этиш, ISBN, ISSN, УДК ва ББК рақамларини бериш бўйича интерфаол дастур, кутубхонадан фойдаланувчилар учун шахсий кабинет, китоб ва даврий нашрлар бўйича статистика ҳисоботини автоматлаштириш дастури каби янги лойиҳалар билан танишди.

«Infolib Uzbekistan — 2013» ҳафталигининг ёпилиш маросимида ўтказилган тадбирлар сарҳисоб қилиниб, танловлар ғолиблари мукофотланди. Маросим эстрада артистларининг концерти билан яқунланди.

Бобур ОБИДОВ,  
ЎЗА мухбири

# Грант лойиҳаси амалда

Наманган «Ёшлар маркази» ходимлари жорий йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида «Мустақкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги лойиҳаси билан қатнашди. Танлов натижасида «Ёшлар маркази»га ўн тўрт миллион сўм миқдоридан грант маблағи ажратилди.

Мазкур лойиҳани намунали ташкил этиш учун вилоят ҳокимининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, адлия, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Ўзбекистон Муслмонлари идораси Наманган вилояти вакили, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят психологлар ассоциацияси ва ФХДЁ бўлимла-

лик масаласи бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади, — дейди лойиҳа раҳбари Мадина Бадриддинова. — Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар, таълим масканларида маҳсул курслар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб келинишига қарамай, ёшлар орасида эрта

кил этаётгани аниқланди. Бунинг асосий сабаблари ёшларнинг эрта турмуш қураётгани, оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, репродуктив саломатлик кўникмаларининг етарли даражада шаклланмагани, янги ижтимоий муносабатларга кириша олмаслиги оқибатида юзага келяпти. Бундан ташқари, жамиятнинг иқтисодий ривожланиши оқибатида шахсларнинг бир-бирига қўяётган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Бу эса оилавий муносабатларнинг нозиклашувига олиб келяпти. Шу боис, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлайдиган маҳсул курслар ташкил этилиши лозим.

Лойиҳа доирасида вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Ёшлар орасида эрта турмушнинг олдини олиш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларни бартараф этиш» бўйича ўтказилган тадбирларда 163 нафар касб-хунар коллежи ўқитувчиси ва 3383 нафар ўқувчи қамраб олинди. Оила қуриш оstonасида турган ёшларни ҳуқуқий, тиббий, диний ва психологик жиҳатдан тайёргарлик даражасини ошириш бўйича ўтказилган семинар-тренингларда 352 нафар бўлажак келин-куёв, 49 нафар ота-она, етмиш нафар маҳал-



Tashabbus

ла маслаҳатчиси иштирок этди. Турмуш қурмоқчи бўлган ёшлар, ёш келин-куёвлар, ота-оналар, қайнона-қайноталар, педагог ва психологлар ҳамда маҳалла маслаҳатчилари учун «Мустақкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» номли 1200 дан ортиқ услубий қўлланма, мингга яқин маҳсул буклет ва тарқатма материаллар тайёрланди. Ушбу услубий қўлланмалар жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари ва семинар-тренингларда тарқатилмоқда.

— Никоҳга тайёргарликнинг бирламчи хусусиятларидан бири бу касб-хунар ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик деб ҳисоблайман, — дейди лойиҳа тренери Дилдора Алиназарова. — Касб-хунар бирор ўқув юртини ёки ўқув курсини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган маҳсул билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши билан белгиланади. Ота-боболаримиз деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачилик сир-асрорларини пухта эгаллашган. Уша даврда уч-тўрт йил устоз кўрган шоғирд 16-17 ёшида мустақил иш юритадиган устага айланган. Мабодо у, шу вақтда оила қурадиган бўлса, ўз хунари орқали оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олган. Бугунги ёшларимиз эса касб-хунар етуклигида бироз кечикаётгандай. 22-25 ёшда эгалланадиган касблар 28-30 ёшларда эгалланмоқда. Натижада, ёшларимиз оилани иқти-

содий жиҳатдан мустақил равишда таъминлай олмапти. Шу боис бирон бир касб-хунарни эгаллона-қайноталар, педагог ва психологлар ҳамда маҳалла маслаҳатчилари учун «Мустақкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» номли 1200 дан ортиқ услубий қўлланма, мингга яқин маҳсул буклет ва тарқатма материаллар тайёрланди. Ушбу услубий қўлланмалар жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари ва семинар-тренингларда тарқатилмоқда.

**Мусоҳон Аббасиддинов, Наманган шаҳар бош имом-хатиби:**

— Тўйларимиз ихчамгина, чиройли, исрофгарчиликларсиз ўтса, қандай яхши-я. Эркакларни муро-сага келтириб, камҳарж тўй қилишга кўндириш мумкин, лекин хотин-халаж билан боғлиқ муаммолар ҳамон учрамоқда. Бунинг учун ҳаммамиз биргаликда курашишимиз, маҳалланинг обрўли хонадонлари атрофидагиларга ўртак бўлишлари керак. Қозонга яқин йўласанг, қораси юқди, деганларидек, имкони бори ҳам, шароити йўғи ҳам дабдабали тўй қилишга интилоқда. Натижада, тўйдан кейин қарзга ботиш, янги оилада «қўйди-чиқди»ларнинг авж олишига сабаб бўлаяпти. Қимматбахо машиналару, келин либосларга, яна бир қанча ортиқча расм-русумларга сарфланаётган пул ўрнига тўйни ихчамгина ўтказиб, келин-куёвнинг келгуси ҳаёти учун зарур анжомлар олиб берилса, яхши эмасми?

**Насиба Аҳмедова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган шаҳар бўлими мутахассиси:**

— Бутун умр йиққанимизни сочиб тўй қилиш, атрофдагиларга ўзимизни кўз-кўз қилиш айрим юртдошларимизнинг қонқонига сингиб кетган «касаллик». Бу борада қарорлар қабул қилиниб, жамоатчилик назорати ўрнатил-

моқда. Бирок, бунга ҳар биримиз ақл билан ёндашмас эканмиз, бундан фақатгина ўзимиз зиён кўришимиз мумкинлигини чуқур англаб етмас эканмиз, бирор натижага эришиш мушкул. Бир куни автобусда кетаётган, ёнимдаги аёл билан гаплашиб қолдим. Ранги заъфарон, лаби оқариб кетган. Яқинда қизини узатибди. Қизимга саксонга тоғора қилдим, деб фахрланиб кўйди гап орасида. Аслида бу аёл касалманд экан. Унга, синглим, нима кераги бор эди шунча тоғора қилиб, ахир, соғлигингизни тикласангиз бўлмасмиди, — дедим. Бунга жавобан у: «Мен оналик вазирамни бажардим, қилсам, қизим учун қилдим-ку», — деди. Ваҳоланки, бундай оналар боласи учун қимматбахо китобни сотиб олишга, унинг билим олиши, баркамол бўлиб вояга етиши учун пулини қизғанади. Аммо кераксиз обрў учун бемалол сарфхаражат қилади.

Наманган «Ёшлар маркази» мазкур лойиҳани ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Мустақкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» мавзуида кўплаб давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглар ўтказди. Утказилган давра суҳбатлари вилоят телерадиокомпанияси, «Олтин замин» радиоси, ҳамда kamolot.uz ва namuom.uz расмий веб-сайтларида мунтазам ёритиб борилмоқда. Лойиҳа вилоят бўйлаб юқори савияда давом этмоқда.

**Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири**



ри ўзаро узоқ манзилли ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуриш ва ажрашишлар сонини камайтириш ва уларнинг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳларга барҳам бериш борасида қатор ишларни амалга ошириб келяпти.

— Ёш йигит-қизларнинг оилавий ҳаётга тайёргар-

никоҳ, қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳлар ҳамон учрамоқда. Республикамиз вилоятлари бўйлаб ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлилига кўра, Наманган вилояти эрта турмуш бўйича олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Хотин-қизлар кўмиталаридан олинган статистик маълумотларга кўра, ажримларнинг олтмиш фоизини ёш оилалар таш-

## Фаоллик — шпоримиз бўлсин

Tengdoshimga

**Баъзан, таълим муассасамизда ёки талабалар турар жойида ободонлаштириш ишларини бажариш учун ҳашар уюштирилса, номигагина ишлаётган тенгдошларимизни ҳам учратиш қоламиз. Аслида, бундай эринчоқлик ҳаракатларимиз ижтимоий фаоллигимиз сустигидан дарак беради.**

Қаердаки фаоллик бўлса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Шу боис, биз, ёшлар барча ишларда ташаббус кўрсатиб, фаол иштирок этишимиз зарур. Бирлашган

ўзар, бирлашмаган тўзар, деганларидек, ҳар ишда бирлашиб ҳаракат қилсак, кўзлаган мақсадларга эришамиз.

Биргина, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Бу-

нёдкор» ёшлар ҳаракати лойиҳасини олайлик. У ҳам ёшларнинг бунёдкорлик борасидаги ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган. Ушбу лойиҳа ҳар йили талаба-ёшлар ҳамда вақтинча ишсиз бўлган маҳалла ёшлари ўртасида ташкил этиб келинмоқда. Унда кўнгилли тенгдошларимиз, аввало, ўзи учун, қолаверса, шу юрт бунёдкорлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Мана шундай меҳнатқаш, фаол тенгдошларимиз ижтимоий аҳамиятга эга йирик-йи-

рик объектларни бунёд этиб, халқимиз дуосини олмоқда. Уста-қурувчилар олдида тажриба орттириб, ўзига, маҳалласига наф келтирадиган ишларга қўл урмоқда.

Яна бир гап. Кашандаларни сигарет чекишни ташлашга ундашдан кўра, ёш авлодни чекмасликка чақириб осонроқ. Шу боис, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлар — чекишга қарши!» лойиҳасини ўтказмоқда. Ижтимоий аҳамиятга эга ушбу лойиҳада, биз, ёшларнинг иштирокимиз ниҳо-

ятда муҳим. Бунда «Тенгдош — тенгдошга» тамойилида олиб борилган тарғибот ишлари самаралироқ кечади. Лойиҳа ташкилотчилари ҳам айнан ушбу усулни танлашгани бежиз эмас, албатта.

Демак, жамиятимиз, келажгимиз учун зарур бўлган барча ишларда фаол иштирок этишимиз зарур. Зеро, давлатимиз томонидан биз, ёшларга барча шароитлар, имкониятлар яратилмоқда.

**Азизбек ТОШТЕМИРОВ, ЎзДЖТУ талабаси**

Мамлакатимизнинг ҳам-дўстлик давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Ижтимоий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Минск шаҳрида бўлган мажлисида сўзлаган нутқида ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида амалдаги савдо режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш масаласига эътиборни қаратди. Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Саноат корхоналарининг модернизация қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар жорий этилаётгани самарасида жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий

# ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ – КЕНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНияТЛАР МАКОНИ

*Президентимиз Ислон Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда*

тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси хориж бозорларидаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш орқали юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга оширишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яра-

тилган, экспорт қилувчи корхоналар учун бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарнинг фойда ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда – 30 фоизга, экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўпроқ бўлганда – 2 мартаба камайтирилган.

Бу борадаги ислохотлар ўзининг юсак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 15,9, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизга ошди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидеги улуши 51,2 фоизга, экспортдаги улуши 19,1 фоизга ўсди. Улар томонидан қиймати 625,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди ва бу умумий биржа айланмаси ҳажмининг 12,1 фоизини ташкил қилди.

Жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркаларида иштирок этган 3 мингдан ортиқ корхоналаримиз 224,9 миллион АҚШ доллари миқдоридеги экспорт шартномалари имзолади. Шу кунларда пойтахтимизда давом этаётган Халқаро саноат ярмаркасида дунёнинг 55 мамлакати, жумладан, МДХ давлатларининг компания ва фирмалари вакиллари иштирок этмоқда.

МДХ давлатлари бозори юртимиз ишбилармонлари учун ҳар томонлама, айниқса, географик ва логистика жиҳатидан қулай. Рақамларга

эътибор берсак, МДХ давлатларининг мамлакатимиз умумий экспорт ҳажмидаги улуши 2008 йилда 34,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойида қарийб 40 фоизга етган.

Эркин савдо зонаси мамлакатимизда саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим роль ўйнайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбиркорларимиздан эркин савдо зонаси имкониятларидан самарали фойдаланишни, ўз салоҳиятини тўла ишга солиб фаолият юритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимиз тадбиркорлари учун янги имкониятлар яратади. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига катта фойда ва манфаат келтиради. Шу боис ушбу ташаббус мамлакатимиз тадбиркорларига янги куч, янги гайрат бағишламоқда.

**Алишер ШАЙХОВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси.  
(ЎЗА)



## Ақл гимнастикаси

**Пойтахтимиздаги Ҳамза туманида жойлашган 153-мактабда «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур!» шиори остида шахмат ва шашка мусобақаси ташкил этилди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада тумандаги йигирма тўққизта мактаб, иккита академик лицей ва олтита касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этди. Мусобақада ҳар бир таълим муассасасидан тўрт нафардан келган ақл гимнастикачилари

ри баҳс олиб борди.

Ҳар иккала мусобақа ҳам қизғин партияларга бой бўлди. Шашка мусобақалари якунида ўз рақибларини мағлубиятга учратган 307-мактаб ўқувчилари Умида Жабборова ва Камолдин Воҳидов ғолибликни қўлга киритди. Шахмат бўйича эса 152-мактаб ўқувчилари Баҳора Абдусатторова ҳамда Жасур Тошнӣезовга тенг кела-

дигани топилмади.

— Мусобақада биринчи бор иштирок этишим. Турнир менда катта таассурот қолдирди. Рақиблар кучли бўлишига қарамай, уларни енгишга ҳаракат қилдим. Ўйин давомида тажрибам ошиб, ўйиннинг янги усулларини ўргандим, — дейди 282-мактаб ўқувчиси Екатерина Литвиненко.

Турнир ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Анатолий КЕЧИН,**  
Ҳамза туманидаги  
166-мактабнинг «Камолот» ЁИХ  
бошланғич ташкилот етакчиси

«Yangi avlod — 2013»

## Навбат кейинги босқичга

**Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Бу йил ушбу танловга туман миқёсида 546 нафар ёшдан аризалар қабул қилинди. Улар туман босқичида классика, вокал, миллий чолғу, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчилар орасидан ўттиз нафар энг яхши ижодкор ва истеъдодли болани аниқлаб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма берди.

Танлов якунида ғолиб ва фаол иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди.

**А. МАҲМУДОВ**

# Меҳнат учун енг шимариб

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Ҳукуратимиз мазкур соҳани ислоҳ қилиш, уни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратиб, натижада фермерлик ҳаракатига кенг йўл берилмоқда. Ана шу ҳаракатда ёш фермерларнинг ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Сурхондарёлик ёш фермер Жонибек Холиқов тенгдошларига ўрнак бўладиган юртдошларимиздан бири. У ташкил этган «Истара саховати» номи фермер хўжалиги Қизириқ туманидаги илғор хўжаликлардан. Фермер хўжалигининг 72 гектар ери бўлиб, унда пилла, пахта, галла етиштирилиб, йиллик шартномавий режалар ошиғи билан уддалаб келинмоқда.

«Истара саховати» фермер хўжалиги бошлиғи Жонибек Холиқов 2011 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича тамомлаган. Шунга қарамасдан, фермерликка бўлган ҳавас уни тинч

қўймади. У бошчилик қилаётган фермер хўжалиги жорий йилда галла етиштириш бўйича белгиланган шартномадаги 98 тонна ўрнига 156 тонна сара дон етиштириб, режани ошиғи билан уддалади. Пахтачиликда ҳам 37 гектар майдонга чигит қадаган фермер хўжалиги аъзолари ҳосилдорликни 35 центнерга етказишди.

— Пахтачиликда уруғни вақтида экиб, кўчатларни бир текис ундириб олдик, — дейди ёш фермер. — Уз вақтида агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш натижасида гўзаларимиз яхши ривожланди. Хўжалигимиз аъзолари билан йил давомида қилган меҳнатимиз зое кетмади, мўл



ҳосил олдик. Асли пахтачилик кони фойда соҳа ҳисобланади. Фермер хўжалигимиз етиштирган ҳосилнинг 90-95 фоизини биринчи навга топширдик. 126 тонна «оқ олтин» хирмонини бунёд этиб, 126 миллион сўмдан зиёд даромад қилишга эришдик.

Жонибек Холиқов фермер хўжалигини келгусида кенг тар-

моқли фермер хўжалигига айлантириш ниятида. Айни пайтда йигирма нафар доимий, ўн беш нафар мавсумий ишчиларга эга хўжаликда кузги ишлар авжида. Келаси йил ҳосили учун ерлар ҳайдалиб, экин майдонлари мавсумга шайлаб қўйилмоқда. Ариқ, зовурлар тартибга келтирилмоқда.

Келгусида Жонибек боғ-

дорчилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаб турибди.

— Туманимизда 522 та фермер хўжалиги бўлса, шунинг 72 фоизини ёш фермерлар бошқаради, — дейди Қизириқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Менгниёр Мардаев. — Катта авлод таҳрибаси замонавий билимларни пухта эгаллаган ёшлар фаолиятида ҳам асқотяпти. Бугун тумандаги ёш фермерларимиз ўзларининг ғайрати, шижоати билан уларга билдирилган ишончни оқламоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олиниб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бораётир.

Дарҳақиқат, бугун Қизириқда Жонибек каби ёш фермерлар анчагина. Туманда бундай ёшларнинг меҳнат қилиши, фермер хўжалиklarини ташкил этишга барча имкониятлар муҳайё.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Sening tengdoshing

Шундай тенгдошларимиз борки, ўтаётган ҳар кундан мазмунли фойдаланиб, нимадир янгилик қилишга интилиб яшайди. Айримлар эса ёшлик дамларини шунчаки ўйинқароқлик билан ўтказишади. Фотимахон Тошматова эса ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга одатланган.

## Вақтни қўлдан бой берманг!

Сайхунобод туманида туғилиб ўсган тенгдошимиз бу йил Сайхунобод саноат касб-хунар коллежини битирди. Эндигина ўн тўққиз ёшни қарши олган Фотимахон ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан бир қатор муваффақиятларга эришмоқда. У 2008 йилдан буён таэквондонинг ITF йўналишида мунтазам шуғулланиб келяпти. 2010-2011 йилларда таэквондо бўйича Жиззах, Фарғона, Сирдарё вилоятларида ўтказилган республика чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2012 йил олтин медални қўлга киритди.

Тенгдошимиз 2011 йил Сайхунобод туманида таэквондо бўйича кам таъминланган қишлоқ ёшлари учун бепул спорт тўғарагини ташкил этди. Айни кунда Фотимахон ўттиз нафардан ортиқ ёшларга жанг санъати бўйича дарс бериб келяпти. Шунингдек, у устозлари кўмагида Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт маж-

муида ҳам ёшларга сабоқ бермоқда.

— Спорт билан бирга, адабиётга ҳам қизиқаман, — дейди Фотимахон Тошматова. — Спорт машғулотларидан бўш вақтларимда шеър ёзиб, мусиқа тинглайман. Ўз ижод намуналарим билан адабиётга оид турли танлов ва тадбирларда қатнашиб келяпман. Жорий йил «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичида адабиёт ва публицистика йўналишида ғолиб бўлдим.

Тенгдошимиз иқтисод фан олимпиадасида ҳамда дизайнерлик, ошпазлик, тасвирий санъат бўйича ўтказиладиган танловларда ҳам ўз имкониятларини синаб кўрмоқда. Натижалар эса ёмон эмас.

Ғолиблик сари интилиб яшайдиган Фотимахон жорий ўқув йилидан бошлаб, Сайхунобод тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси. Коллежнинг фаол

ўқувчилари ҳам интилувчан ва ташаббускор ушбу етакчига кўмақдош бўлиб, янги ғоялар, янги лойиҳалар ишлаб чиқмоқда.

— Иш фаолиятимда Ҳаракатнинг вилоят ва туман кенгаши ходимларидан зарур маслаҳатлар олиб турибман, — таъкидлайди Фотимахон. — Уларнинг менга билдирган ишончи ва кўмақдош бўлиши янада фаол ишлашга ундамоқда. Келгусида коллежимиздаги «Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилоти фаолиятини вилоятдаги энг намунали бошланғич ташкилотлардан бирига айлантириш ниятидаман. Шу сабаб фаол «Камолот»чилар билан ўқувчиларга қизиқарли ва фойдали бўладиган лойиҳалар устида ишлаяпмиз.

Демак, ҳар биримиз вақтни қўлдан бой бермасдан, шу юрт, шу халқ учун фойдали ишлар билан машғул бўлсак, ўтаётган умримиз янада мазмунли бўлади.

**Элёр ЖўРАЕВ,**  
«Turkiston» мухбири



## «Соқчилар» — билим-ринг ғолиби

**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли бошқармалар ходимлари ўртасида «Билим-ринг» интеллектуал ўйини ташкил этилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ўтказган ушбу интеллектуал ўйинда жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг «Лочин», тергов бошқармасининг «Фемида», патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг «Тинчлик соқчиси», қўриқлаш бошқармасининг «Қалқон», ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг «Аланга», жазони ижро этиш бўлимининг

«Шунқорлар» ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасининг «Соқчилар» жамоалари қатнашиб, ўзаро беллашди.


Тезкорлик билан ишлашга одатланган ички ишлар ходимларига берилган саволлар ҳам уларга унчалик қийинчилик туғдирмади. Бироқ ҳар қандай интеллектуал ўйинда зукколик билан тўғри жавоб йўллаган жамоагина ғолибликка эришади. Ушбу ўйинда ҳам ақл-заковат бобида етакчиликни қўлдан бой бермаган «Соқчилар» жамоаси саволларга энг кўп тўғри жавоб беришди.

Интеллектуал ўйин якунида ғолиб жамоалар ва фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари улашилди.

**Клара ХУДОЙБЕРГАНОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси «Камолот» ЁИХ матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Маррани доим баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Ислом КАРИМОВ



# Ғолибликка ундовчи туйғу

Yurt sha'ni

**Ширинлик болаларнинг жону дили. Конфетлар, шоколад, мармелад, музқаймоқ — бу ноз-неъматларни кичкинтойлар килолаб ейишга тайёр. Ҳарқалай, кондитер маҳсулотларини ўзимиз ҳам хуш кўриб истеъмол қиламиз. Ширинликка мойиллик инсонга, том маънода, она сути билан сингади. Бунини сўзимиз чиройли чиқиши учун айтаётганимиз йўқ, зеро, она сути, аниқроғи, унинг таркибидаги лактоза моддасида шира мавжуд.**

Яқиндагина оғир атлетика бўйича Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган 80-жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик спортчиларнинг ғалабалари тимсолида ана шундай машаққатли меҳнатнинг ширин мевасини кўргандек бўлдик.

Тўғри, юртдошларимиз чемпионатда юқори натижаларга эришди, бундай дамларда музаффар йигитлар ҳақида қанча яхши сўзлар айтилса, оз. Лекин ҳаяжонли, мақтовларга тўйинган жумлаларни борича чемпион ва совриндор спортчиларимиз манзилига ҳаёлан йўлласак-да, уларнинг шундай улкан натижага қадар қилган меҳнатлари, қадам-бақадам босиб ўтган йўлларига билганимиз қадар тўхталсак. Бизнингча, шунда улар эришган ютуқларнинг қиймати тенгдошлари наздида янада залворлироқ аҳамият касб этади.

## РУСЛАН НУРИДДИНОВ. ЧЕМПИОНЛИК ЙЎЛИ

Руслан Нуриддинов номи спорт мухлисларига анча йиллардан бери маълум бўлса-да, унинг нималарга қодирлиги, қандай иқтидор эгаси экани 2012 йилнинг ёзида, Лондонда ўтган XXX Олимпиада ўйинларида аён бўлган эди. Эсингизда бўлса, у спорт оламининг энг нуфузли мусобақасида совриндор бўлиш учун охиригача курашган, фақат энг сўнгги лаҳзалардагина омади келмай, тўртинчи ўрин билан кифояланган эди.

Ҳар қандай спортчи учун Олимпиададек улкан спорт

анжуманида бундай натижага эришиш у ёқда турсин, қатнашишнинг ўзи шараф ҳисобланади. Лекин биласизми, Руслан ўзининг бу натижаси ҳақида нима деган? Натижамдан кўнглим тўлмади, деган! Мана, Ўзбекистон фарзандининг гапи! Юртбошимизнинг, маррани баланд олинг, болаларим, дея ёшларни олдинга бошловчи, куч-ғайрат, илҳом бағишловчи сўзларини шундай лаҳзаларда янада теранроқ тушунасан, киши.

Руслан, ўшанда ҳали йигирма бирга ҳам тўлмаган ўғлон, маррани жуда юқори олган эди.

Орадан бир йил ўтди. Бу вақт ичида ҳар биримизнинг ҳаётимизда турфа воқеалар юз берди. Омадли онлар, гоҳида синовли лаҳзалар бошимиздан кечди. Бироқ ҳаёт бир маромда давом этаверди. 2012 йил тугаб, 2013 йилга ҳам қадам қўйдик. Руслан эса безовта эди.

— Йил бошида ўзимга аниқ мақсад қўйдим, — дейди оғир атлетика бўйича 80-жаҳон чемпионати олтин медаль соҳиби Руслан Нуриддинов. — Олдимда қандай нуфузли мусобақалар мени кутаётганини ҳис этган ҳолда, тайёргарликка астойдил киришдим.

Унинг меҳнатлари, интилишлари зое кетмади. Лондон Олимпиадасида катта тажриба тўплаган спортчимиз дастлаб Осие чемпионати, кейин жаҳон универсиадасида иштирок этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Қаранг, биз

икки оғиз гап билан унинг ғалабаларини эътироф этяпмиз. Эҳ-ҳе, чемпионнинг ўзи бу ютуқларга эришиш учун қанча вақт, куч сарфлаган экан? Тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Польшада бўлиб ўтган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати эса Руслан Нуриддинов учун бу йилги сўнгги катта имтиҳон эди.

16-27 октябр кунлари ўтказилган мазкур жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини Руслан Нуриддиновдан ташқари, Руслан Макаров (62 кг.), Достон Ёқубов (69 кг.), Улуғбек Алимов (77 кг.), Сардорбек Дўстмуродов (105 кг.), Манзураҳон Мамасолиева (69 кг.), Марина Сисоева (53 кг.) ва Маҳлиё Тоғаева (48 кг.) каби спортчиларимиз ҳам муносиб ҳимоя қилишди.

Жаҳон универсиадасида кумуш медалга сазовор бўлган Улуғбек Алимов жаҳон чемпионатида ҳам ўзининг бор иқтидорини намоён этишга ҳаракат қилди. У даст кўтаришда 158 килограмм натижа билан тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, силтаб кўтаришда 197 килограмм натижа билан кумуш медал соҳиби бўлди. Умумий натижаси 355 килограмм бўлган Улуғбек Алимов яқунда бронза медалга лойиқ кўрилди.

Чемпионатнинг сўнгги куни ҳамюртларимиз учун янада омадли келди. 105 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Руслан Нуриддинов даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 235, икки кураш якуни бўйича эса 425

килограмм натижага эришиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Унга ишонган, мухлислик қилган барча кишиларга миннатдорлик билдирар экан, Руслан Нуриддинов эндиги асосий вазифаси 2016 йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган навбатдаги — XXXI ёзги Олимпия ўйинларида максимал натижага эришиш эканини айтади.

Ҳа, у ҳамиша ғолиб бўлишга, бу билан Ватанимиз шаъну ғурурини янада юксалтиришга интилади.

## ЮКСАК МУКОФОТ

Спортчиларимиз муваффақиятини давлатимиз ҳам юксак баҳолади. Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-этибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Руслан Нуриддинов Президентимиз фармонида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, жаҳон чемпионати совриндори Улуғбек Алимов эса «Ўзбе-

кистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони билан мукофотланди.

Ҳа, бугун нуфузли халқаро мусобақаларда Ватан шаъни, халқ ғурури учун майдонга тушаётган тенгдошларимиз, ука-сингилларимиз кўп. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам бисёр. Аммо кўнглига сурур бахш этадигани уларнинг чемпионликлари, олаётган совринлари миқдорида, медалларининг рангу рўйидагина эмас. Улар — мустақиллик фарзандлари, эркинлик шабадаларида улғайган, тирногининг учидан сочларининг учигача Истиқлол нафаси барқ уриб турган қорақўзлардир. Мустақиллик тенгдоши Руслан Нуриддинов ҳам ана шу бахтиёр авлод вакили. Унинг эришаётган ютуқлари сабабини мустақиллик ғурури билан боғласак, сўзимизни ҳаяжонга йўймайсиз, деб ўйлаймиз.

У ва у каби баланд марраларни забт этаётган мингминглаб истеъдодли ёшлар изидан келаётган ука-сингилларимиз ҳам майдонларга чиқиб, улардек зафар кучсалар, ажабланманг. Уларни ғолиб айлаган туйғу — истиқлол туйғуси, бошқача айтганда, мустақиллик ғурури бўлади. Кўнглида ана шу эзгу туйғу яшар экан, қўйиб беринг, улар ўзлари истаган марраларни эгалласин, чемпион бўлсин, совриндор бўлсин. Биз эса улар ҳақида яхши сўз айтишдан чарчамайлик.

Элмурод НИШОНОВ,  
«Turkiston» мухбири

## Х У Ш Х А Б А Р

Кеча Тошкентдаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорларига Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга берилаётган катта эътибор, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун яратилган кенг имкониятлар, бунинг натижасида нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар камол топаётганини таъкидладилар.

— Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш муқаддас бурчимиз, — деди жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов.

— Камтарона меҳнатимизни юксак эътироф этган ва мукофотлаган Юртбошимиздан миннатдоримиз, — деди жаҳон чемпионати совриндори Улуғбек Алимов.

Спортчилар келгуси мусобақаларда ҳам юқори натижаларга эришиш учун бор имкониятларини ишга солажақларини таъкидладилар.

# Она табиат инъомлари

*Бундай ҳолат кўпчилигимизда юз бериб туради. Гоҳида барча ишни йиғиштириб, она табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришни истаб қоламиз. Дам олиш дегани фақат истироҳат боғига оилавий бориб музқаймоқ ейиш эмаску, кишининг кенг табиат қўйнига чиқиши, тоза ҳаволардан тўйиб-тўйиб нафас олиши жон ҳузурни эмасми?! Шунинг ўзи мияга жуда катта дам бериб, юракни тинчлантиради.*

Шаҳардан узоқда, шовқин кам, фақат қушлар ва жониворлар товуши, ҳайвонларнинг шитир-шитир қадам товушлари, уларнинг оёғи остида бир

маромда шивирлаётган ўт-ўланлар овози... О, экзотика, дейсиз. Бориб кўриш, кузатиш, қолаверса, у ҳақдаги қизиқ маълумотларни сизга

*Айни кунларда иссиқсевар қушлар жануб томонга парвоз қилмоқда. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, улар яна юртимизга учиб келади. Табиат қонуни бу. Бақлан, қорабузов, чорлоқ, балиқчи қушлар, ёввойи ўрдак, ғоз... Барча мавжудотлар сингари каби қушлар олами ҳам ўзига хос. Уларнинг ҳаёт тарзини кузатганда, баъзан ҳайратланасиз. Масалан, ёввойи ғоз ҳаёти... Келинг, бу жонивор ҳаётига оид баъзи қизиқарли жиҳатлар ҳақида сўхбатлашамиз.*

илиниш мақсадида борганимиз Сурхон давлат кўриқхонаси ҳам ана шундай гўшалардан.

Кўриқхона 1986 йили Кўхитанг тоғ тизмасининг шарқий ёнбағридаги тоғ-ўрмон экотизими, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда арчазор ўрмонларни

муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у денгиз сатҳидан 850 метрдан 3137 метргача баландликда жойлашган.

Сурхон давлат кўриқхонаси ўсимлик турларига бой. Унда 900 турдан ортиқ ўсимлик учрайди. Кўнғирбош, майиншувок, кўзикулок, каррак, қизғалдоқ, андиз, ширач, итбурун, наъматак, ёввойи пиёз... Номини билганларимизни санадик, билмаганларимиз билганларимиздан кўп.

Кўриқхоналар ҳайвонот дунёси билан ажиб манзара касб этади-да. Бизга маълум қилишларича, у ерда умуртқали ҳайвонлардан 24 тур сут эмизувчи, 130 турдан зиёд қуш, 23 тур судралиб юрвучи, 2 тур сувда ва қуруқликда яшовчи, 2 тур балиқ бор. Ёввойи чўчка, морхўр, Бухоро олқори, жайрон, бўри, тулки, тоғ сувсари, Туркистон силовсини, бўрсиқ, шалпангкулоқ типратикан, узункулоқ кўршапалак — булар ҳам биз таниган, номини билган жониворлар.

Сурхон давлат кўриқхонаси ҳудудда Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига киритилган ўсимликларнинг

қирқ тури учрайди. Ҳозирги кунда халқаро «Қизил китоб»га киритилган ноёб ҳайвон турларидан морхўр ёки бурама шохли тоғ эчкиси, Бухоро тоғ қўйларининг биоэкологик хусусиятларини ҳамда кўриқхонанинг қушлар оламини илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Айни кунларда катта илмий ходим Саидмурод Мама-ражапов ва илмий тадқиқот ишлари бўйича директор ўринбосари Тўра Холиқов илмий изланишда. Кўриқхона маъмурий биносида ахбо-

рот маркази ташкил этилган. Ушбу марказга мактаб ва коллеж ўқувчилари, табиатга қизиқувчилар келиб, кўриқхона ҳақида батафсил тушунчага эга бўладилар.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар замирида, табиати-миз бағридаги бойликларни қадрлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ноёб турларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга безавол етказишдек олижаноб мақсад мужассам.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**



## САДОҚАТ БОБИДА ТЕНГСИЗ

Ёввойи ғознинг бир тури саналмиш оққуш эрта баҳорда биринчилардан бўлиб юртимизга учиб келади. Уни кенг дала ва қир-адирлар қарши олади. Оққушларнинг бир қисми кўл ва сув ҳавзаларини макон тутаяди. Кўчиб ўтиш вақтида ғоз галалари учбурчак шаклда тизилиб, анча баланддан учиб ўтади.

Сув манбаи оққуш учун ҳам тириклик ва ҳаётнинг заруратдир. Кўл қирғоқларини қалин тўқайзорлар эгаллаган. Улар қамишдан қўналга сифатида фойдаланади. Бу хилват жойларини макон қилган оққушлар шитоб билан тез-тез сувга шўнғийди. Кейин офтоб нурида исиниб олгач, оёқ ва тумшукларини тозалаб яна ҳавога кўтарилади. Патлари зич жойлашгани учун сув ўтказмайди. Улар қанотларининг кучига ишониб, озуқа илинжида кун ботгунга қадар тиним билмайди. Бу қушнинг асосий озуқаси турли ҳашарот, моллюска ва ўт-ўланлардир.

Оққуш жуда мафтункор. Патлари минг тусда жилоланади. Уларнинг ҳам ўз «муҳаббат қиссалари» бор. Ҳар бир қуш танлаган жуфтини бир зум ҳам кўздан қочирмайди. Мабодо жуфтлик адашиб бир-биридан ажраб қолгудек бўлса, баланд овозда қағиллаб, ҳар томонга талпинади. Садоқат бобида улар тенгсиз.

Янги наслни дунёга келтириш учун оққушлар кўп заҳмат чекиб, уяларини инсон қадами етмайдиган хилват жойларда қуришга интилади. Мавсум давомида бор-йўғи икки ёки учта жўжа очади. Полапонларини вояга етказиш учун тиним билмайди.

Ривоят қилишларича, анча йиллар илгари баҳор кунларининг бирида овчи йигит дашту биёбонларни кезаркан, узун арғимчоқ ҳосил қилиб, қатор тизилиб учаётган оққушларга кўзи тушади. Кейин ҳавза бўйларига яқинлашиб, бирин-кетин пастлай бошлагач,

йигит шошиб уларни мўлжалга ола бошлайди. Жониворлар чўчиб юқорига кўтарилганда, жароҳатланган қушларнинг бири қирғоққа кулаб тушади. Шунда тўдадаги қушларнинг бири ажралиб йигирма-йигирма беш қулочлар баланд кўтарилиб, ўзини жуфти ёнига ташлайди ва жон беради. Овчи йигит эса кўлда ўқлоглиқ милтигини ушлаганича беихтиёр жон таслим қилган жониворларнинг гўзаллигига махлиё бўлиб тикилиб қолади. Оққушлар галаси ҳамон тепада айланиб нари кетмас ва қағилларди. Шунда йигитнинг юраги эзилиб, виждони қийналганиданми, ўзини айбдор ҳис эта бошлайди. Сўнгра овини чала қолдириб, ортига қайтади.

Шу-шу, овчи йигит дарё ва ҳавза бўйларига бошқа йўламайдиган бўлади.

Субҳидамда оққушлар галасининг қанот қоқиб парвоз қилиши теварақатрофга кўрк бағишлайди. Ҳар тонг қуёш бўй кўрсатгач, камалакдек товланиб ёрқинроқ жилваланадиган оққушларнинг чанқоқ кўзлари ички сезги туйғуси билан уйғунлашиб, мақсад сари аниқ ҳаракат қилади. Авлодини боқиш учун кун бўйи тиним билмай, қанот қоқиб, ҳафсала ва чидам билан озуқа ахтаради.

### АҲИЛ ОИЛА ЖАМУЛЖАМ

Ёввойи ўрдак ғоят сезгир ва эҳтиёткорлиги билан бошқа кўчманчи қушлардан фарқ қилади. Гала ҳосил қилиб ҳавога кўтарилганда қанотларини тез ва қаттиқ қоқаяди. Дўст ва душманни яхши ажратадиган бу қушлар озикланаётганда бир нечтаси пойлоқчилик қилиб атрофни кузатиб туради. Хаф туғилгудек бўлса, «айғоқчи»лари биринчилардан бўлиб қаттиқ қағағлаб ҳавога кўтарилади. Кейин бошқалари ҳам «гурр» этиб учиб кетади. Қанотла-

рини қоққанда «вит-вит»лаб янгроқ товуш чиқаради. Ҳатто учиб бораётганини кўрмасдан туриб ҳам унинг ёввойи ўрдак эканини билса бўлади. Кўпинча ёввойи ўрдаклар парвоз чоғи паст овоз чиқариб, сал-пал қағағлаб қўяди. Қанотларидаги йўл-йўл оқ чизикчалари кўзга яққол ташланади.

Ёввойи ўрдаклар эрта баҳорда кўл, дарё ва ҳавза бўйларига учиб келган заҳоти уя қуришга киришиб, қуруқ тепалик, қирғоқ ёки эски қамиш уюмларини танлайди. Хас-чўплардан қилинган уя ичига момиқ парларини юлиб тўшамча ясайди ва ўн иккитача тухум қўяди. Вақт ўтиши билан оч-яшил тусдаги тухумлардан жўжа очади. Тезда уларни сув юзасига тушириб, озик топишга ундайди. Жажжи полапонларнинг сув бўйида уялаганлари учун емиш топиши ва ҳимоялаши осонроқ бўлади. Кичкинтойлар сувда сузиб жигилдонларини мазали емишга тўлдириб, тинч ва осойишта ҳаёт кечира бошлайди. Лекин кўлда лаззатли емиш қанча сероб бўлмасин, эҳтиёткорлик ҳам талаб этилади. Шунинг учун ўрдак вақт-вақти билан қамишзор четига келиб атрофни кузатишни қанда қилмайди. Кўнгли жойига тушгандагина жўжаларини кўлнинг очиқ жойларига бошлаб боради. Шунда жажжи ўрдакчалар занжирдек тизилиб, парда билан қопланган панжали оёқларини чаққон ҳаракатлантирганча ўрдак ортидан эргашади.

Кутилмаганда бир кун қаттиқ қийқирик эшитилиб, тепада бир тўда оқчарлоқ пайдо бўлади. Улар қағиллаганча ўрдак жўжалари устида гир айланиб қолади. Босқинчилар дам оқорига кўтарилар, дам пастга отилиб, сув юзасига яқинлашганча ўрдакчаларни кўзлаб парвоз қиларди.

Таҳликали «тўқнашув» анча вақтгача давом этади. Ўрдак ҳар гал зўр

бериб қағиллаб сувдан кўтарилиб чиққанида тумшук ва қанотлари билан зарб бериб босқинчилар ҳужумини қайтаришга уринарди. Лекин кучлар тенг эмасди. Ўрдак бир муддат довлдираб қолди. Боз устига қўрқанидан гуж бўлиб турган жўжаларининг тарқалиб, нари кетиб қолмаслигига ҳам кўз-қулоқ бўлмоғи керак эди.

Бахтга қарши ўрдак яна бир бор кўтарилиб, ҳужумга ўтаётган босқинчиларнинг бирига қарши ташланган заҳоти бошқалари тўп бўлиб турган жўжалар ўртасига тушиб бир нечта жўжани олиб қочишга улгурди. Бундай нохушлиқдан сўнг жўжалар ҳар томонга тарқаб кетди. Бу эса «жанг» оқибатини ҳал қилиб берди. Ўрдак босқинчиларга беҳуда ташланарди. У болаларини тўплаш учун беҳуда уринар, дам қанот қоқиб юқорига кўтарилар, дам сувда сузиб гир айланарди.

Шу орада махсус кийимдаги сергак нозир қўшотар милтиғи оғзини осмонга қадаб кетма-кет ўқ узди. Қулоқни қоматга келтирувчи гумбурлаган овоздан сўнг қамишзор ичидан тутун кўтарилди. Шунда ҳаводаги босқинчилар ваҳимага тушиб кўлдан узоқлашди. Бироздан сўнг ўрдак қолган жўжаларини тўплаб, жон сақлаш учун беҳавотир чангалзор томон бошлаб кетди.

Кунлар, ҳафталар ўтган сайин ўрдак жўжаларининг қанотлари ўсиб, бақувватлашиб борди. Энди кичик оила жамулжам. Кўлнинг очиқ жойларида ҳам беҳавотир сайр қилиб, мустақил яшай бошлайди. Уларнинг вақт ўтган сайин улғайиб бориши, кунлар совий бошлаганда узоқ ўлжаларга учиб кетиши ва машаққатли йўл ҳозирлигини кўриш учун эт қўйиб, куч тўплашлари керак бўлади.

**Абдулла САИДОВ**



## Менинг юртим — менинг фахрим!

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг «Кўргазмалар саройи»да «Менинг юртим — менинг фахрим!» шиори остида расмлар танлови бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва

бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда ўн олти ёшгача бўлган олти мишдан ортиқ ёш ижодкорлар иштирок этди. Танловда ёш мўйқалам соҳиблари 220 та расм-

лари билан қатнашди.

Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари топширилди.

**Анвар ШРАЗОВ**

## Эзгуликка чорлайди

Mening fikrim

Ёлгоннинг ёмон иллат экани ҳаммага маълум. Уни ҳамма ёмон кўради. Ҳатто ёлгончиларнинг ўзлари ҳам ёлгон қурбони бўлишни ҳеч қачон истамайди, демак, ёлгон улар учун ҳам ёмон. Лекин нима учун у ҳаётдан буткул йўқолиб кетмайди?.. Бошқа қусурлар, иллату ёқимсиз ҳамма нарса ҳақида шундай дейиш мумкин.

Болалигимиздан онгимизга яшилишни сингдириб келишади. Оила, кўча-кўй, маҳалла, мактаб — тарбия масканлари. Оилада ота-она, бобо-бувиларимиз, кўча-кўй,

маҳаллада нуроний отахону кайвони момолар бизга тарбия беради. Мактабда ўқитувчиларимиздан ҳам сабоқ, ҳам тарбия оламиз. Буларни умумлаштириб, халқ педагогика-

каси, деб аташимиз мумкин.

Эртас, мақол, матал, ҳикоят ривоятлар, умуман, халқ оғзаки ижодига оид асарларнинг бари эзгуликка чорловчи, ёмонликдан қайтарувчи мазмунга эга. Шуларнинг ўзиёқ, халқ педагогикаси нечача асрлар мобайнида шаклланиб келганидан дарак беради.

**Мадина ҲОДИЕВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

### ВАТАН

Ilhom

*Кўкка туташган ул чўққилар айтсин,  
Сенга муҳаббатим осмон қадар кенг.  
Бошимда тоғ-янглиқ дўппилар айтсин,  
Ўзга юрт кўрмадим тупроғингга тенг.*

*Сени онадайин севаман, Ватан,  
Кўзим қароғида асрайман абад.  
Онам ёнган тонгги ширин кулчадан  
Меҳрингни ҳис этиб яшайман ҳар вақт.*

### СОҒИНЧ

*Менга соғинч эшигин очди,  
Ёлғизликнинг отига миндим,  
Ҳаёлимни муҳаббат олди,  
Мен сизни жуда ҳам соғиндим.*

*Ўртаса-да юракни эзгу,  
Мен ошиқни енголмайди у,  
Соғинч ҳам бир ажойиб туйғу,  
Мен сизни жуда ҳам соғиндим.*

*Сизни дея тинчим йўқолди,  
Йўлингизда кўзларим толди,  
Дилга севги чангалин солди,  
Мен сизни жуда ҳам соғиндим.*

**Файзулла РАСУЛОВ,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

### ДУГОНАНГ

Ҳазил

*Сени йўқлаб борсам бир иш баҳона,  
Негадир омадим келмайди.  
Дугонанг доимо бўлиб парвона,  
Ёнингдан бир қадам жилмайди.*

*Сени йўқлаб борсам бир иш баҳона,  
Ҳайкалдек безабон қотаман.  
Айтилмай қолади барча сўз, изҳор,  
Паришон, ҳаёлга ботаман.*

*Сени йўқлаб борсам бир иш баҳона,  
Кўзларим дугонанг йўлида.  
Наҳотки, севгимнинг тақдири ўша —  
Қизганчиқ дугонанг қўлида?..*

**Ҳайдар ТЎРАЕВ,**  
**Сурхондарё**

## Иш жойларида хавфсизликка риоя қилинг

Ogoh bo'ling

Иш жойимиз ҳаётимизнинг кўп қисми ўтадиган, иккинчи уйимизга айланган маскандир. Уйимиз каби уни ҳам озода тутамиз, асраб-авайлаймиз. Шу ўринда у ерда ҳам ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз ҳар биримизнинг бурчимиз эканини эслатиб ўтишни жоиз билдик.



Иш жойларида, аввало, электр ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этишимиз керак. Розетка, чирокни ёқиб-ўчирувчи мосламаларнинг тўғри ишлаётгани, электр симларнинг изоляцияси, электр асбоб-ускуналар созлигини доимий текшириб бориш мақсадга мувофиқ.

Иш жойингиздан кетаётганда, кондиционер, компьютер сингари ускуналарни ўчириб кетишни эсингиздан чиқарманг. Афсуски, гоҳида арзимас бўлиб туюлган камчилик кейинчалик катта кулфатларга сабаб бўлади. Ёнгин билан боғлиқ юз берган кўнгилсизликларнинг кўпиди ана шундай бўлган. Арзимас хато ёки кичик эҳтиётсизлик натижаси оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзингизни, иш жойингизни асрайман десангиз, ҳаммаша огоҳ ва хушёр бўлинг.

**Х.ҲОШИМОВ,**  
**Тошкент шаҳар ХҲХО 3-алоҳида пост**  
**кичик инспектори, сафдор**



## Қимматга тушган шўрва

Швециянинг Мальме шаҳридаги ресторан «Лүлилар шўрваси»ни тайёрлагани учун ёпилиши мумкин.

Аниқроғи, рестораннынг исми ошкор этилишини хоҳламаган мижозларидан бири бу таомнинг номини ҳақоратомуз дея баҳолаб, судга арз қилган. Ресторан эгаси Славко Рачич эса буни оддий ҳазиломуз, эътиборни тортиш мақсадида танланган ном дея таъкидлади. Бироқ мижоз бунга жиддий киришиб, барча тегишли ташкилотларга мурожаат қилди. Шунингдек, ресторандан маънавий зарар учун бадал ҳам талаб қилди. Ҳозирча, «Лүлилар шўрваси» ресторанда сотилмаяпти. Суд эса қандай қарор чиқаришини вақт кўрсатади.

## Хатарли тўфон

Европага жиддий зарар етказган «Авлиё Июда» тўфони Қозоғистоннинг шимолий вилоятларига ҳам етиб келиш эҳтимоли бор.

Синоптикларнинг сўзларига қараганда, тўфондан олдин ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетади, тўфоннинг эса бироз кучсизланган кўриниши мамлакатга кириб келади. Тўфон бир неча кун олдин Атлантика океанида пайдо бўлган эди. Ҳозирга қадар у Франция, Германия, Дания ва бошқа бир қанча Европа мамлакатларининг муаммоси бўлди. Латвия, Литва, Эстония, Финландияга эса жиддий талофат келтирди. Айни пайтда тўфон туфайли ўн етти киши ҳаётдан кўз юмган.

## Географияда адашмаслик керак

Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси фойдаланувчиси, 62 ёшли Ламенда Кингдон Испаниянинг Гранада шаҳри билан Кариб денгизида жойлашган Гренадани адаштириб юборди.

Аёл бошқа саёҳатлари сабаб, Гранадага чиптани текин қўлга киритган эди. У самолётдаги суҳбат жараёнида бошқа жойга кетаётганини пайқайди. Самолёт Санта-Луцияга ёнилғи учун қўнганда аэропорт ходимларига муаммосини батафсил тушунтирди. Унга ёрдам беришга қарор қилишди ва Лондонга қайтариб олиб кетишди. Текин чипта олиш имтиёзини ҳам қайтаришди. Саратонга чалинган Ламенда умрининг сўнгги вақтларини саёҳатга бағишлаган. У аэропорт ходимларига миннатдорлик билдирганидан сўнг, Гранадага эмас, Янги Зеландияга боришга қарор қилганини айтди.

## Автобус ҳалокати

Ҳиндистонда сайёҳлар автобуси ёнилғи ташувчи машина билан тўқнашиб кетди.

Натижада, бу воқеа 44 кишининг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, «Jabbar Travels» компаниясига тегишли автобус Бангалордан Хайдарободга кетаётган бўлган. Тонгда Андра-Прадеш штатида автобус юк машинасини қувиб ўтаётган маҳали йўлдан чиққан бензавозга тўқнашиб кетди. Тўқнашув вақтида тўқилган ёнилғи натижасида портлаш юз берган. Фалокат вақтида деярли барча йўловчилар уйқуда бўлган. Фақат беш нафар киши автобус деразасидан тушиб қолишга муваффақ бўлди. Уларнинг ичиди ҳайдовчи ҳам бўлиб, у ҳозирда қамоққа олинган.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



«Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида ёшлар психологияси, компьютер саводхонлиги, пазандалик, тикувчилик, инглиз тили тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда.

**СУРАТДА:** ёшлар бисер санъатини ўрганишмоқда.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

Hunar — zar

Sport

## Сузувчиларимиз пешқадам

Франциянинг Сан-Дизьер шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасида сузиш бўйича халқаро мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари учтадан олтин, кумуш ва бронза медалга эга бўлди.

Матонатли спортчимиз Андрей Тарасенко эркин усулда сузишда 50 метр масофани 25,4 сонияда, 100 метр масофани 54,3 сонияда ва 200 метр масофани ҳам энг қисқа вақтда сузиб ўтиб, биринчи ўринни уч марта забт этди. Баттерфляй усулда сузишда эса Темур Латипов иккита кумуш медални қўлга киритди. Абдуллахўжа Аҳрорхўжаев брасс усулда сузишда эришган кумуш медалини терма жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйди. Арсен Алиев эса мусобақада учта бронза медалга сазовор бўлди.

## Ғалабалар олдинда

Хитойда 2-18 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган велоспорт мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам иштирок этиши маълум бўлди.

Мусобақа навбатма-навбат Шанхай, Нанкин ва Фучжоу трассаларида бўлиб ўтади. Юртимиз шарафини Руслан Каримов, Вадим Шайхов, Владимир Тўйчиев, Глеб Горбачев, Юсуп Абреков ва Никита Абрамов ҳимоя қилади. Бош мураббий — Владислав Искандаров.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Тенгдошларига ўрناк ёшлар

Harakat ko'zgusi

Жиззах вилоятининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, интеллектуал салоҳиятли ва фаол, ижодкор ёшларни муносиб рағбатлантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан «Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.

Унда ўқиш ва жамоат ишларида ўзининг муносиб ўрнига эга вилоят ёшлари, меҳрибонлик уйи тарбияла-

нувчилари таклиф этилди. Фаолиятларида юқори марраларга эришган номдор стипендия соҳиблари,

вилоят ва республика спорт мусобақаларида голибликни қўлга киритган спортчилар ва иқтидорли ёшлар

ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фестивалда Жиззах вилоятининг беш юз нафарга яқин иқтидорли ёшлари иштирок этди

**Шоди ОТАМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири.

	Омбор, склад	Дунё, жаҳон	Май, шароб	Тухумси-мон шакал	Навоий ери	Атир тури	Жан Филип (фран. компози-тори)	Арманис-дон пул бирлиги		Дон кушан-даси	Судралиб юрвчи	Жанжал, можаро	Дедал-нинг уғли
Ота-она-нинг отаси	→	↓	↓	↓	Чанг, тузон	→	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Киноре-жиссер, сценарист	→				Хунарадан ризқинг ...	→				Суюк ёғи	→		
Безор	→				Перу пойтахти	→				Покиза	→		
Риоя қилиш	→				Ўғил бола исми	→				Мева тури	→		
	Тонг, сахар	Э.Воҳидов (достон)	«Мунис ...» б/ф	Муддат (русчага)	Яман пойтахти	Мир-карим (адиб)	Мукержи (актриса)	хусус, хусусан		Бўлма, уй қисми	Қлей (ўзбекча)	Буви, ача	Узум илани-данган дор
Мусбат электрод	→	↓	↓	↓	Эшон-Тўраева (актриса)	→	↓	↓	↓	Малени (актриса)	→	↓	↓
Пиллапоя	→				Бол	→				Бухоро вилояти туман	→		
Урф-...	→				Игна (шевада)	→				Сўроқ саволи	→		
Мактуб, хат	→				Сабаб, фактор	→				Қуёш маъбудиди Ра	→		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## TABASSUM

### ТАНИШУВ

- Оёғимни нега босасан?
- Кечирасиз.
- Аҳмоқ!
- Танишганимдан хурсандман. Менинг исми бўлса, Анвар!

### ДОНО МАСЛАХАТ

- Бир бемор Афандига ҳасрат қилди:  
— Иккита шифокорга кўриндим. Иккови икки хил маслаҳат берапти-да?  
— Ҳўш?  
— Биринчиси денгиз бўйларига боринг, дам олинг, дейди. Иккинчиси, кўпроқ пиёда юриш керак, дейди. Нима қилишга ҳайронман.  
Афанди жилмайиб деди:  
— Унда икковининг ҳам айтганини қилиш керак!  
— Қандай қилиб?  
— Денгиз бўйларига пиёда боринг!

## YON DAFTARCHANGIZGA

Илмсизга ишонч йўқ,  
Хунарсизга қувонч йўқ.

Ўзбек халқ мақоли